



Protected by PDF Anti-Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Тел: (0-366) 414-31-19,

e-mail: i.kattaqurgon@sud.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХАЛҚ АРЗИГА  
ҚАРОРИ

Каттақўрғон туман 2023 йил 13 апрель [REDACTED]-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Тоғаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сағдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи [REDACTED] жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилига кўра тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси асосида кўзгатилган иқтисодий ишни, Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида кўриб, суд куйидагиларни,-

**А Н И Қ Л А Д И :**

Каттақўрғон туман иқтисодий судига аризачи [REDACTED] даъво ариза билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар [REDACTED] таомилига кўра тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 127-моддаси тартибида хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 170-моддасига асосан ишни жавобгар вакили иштирокисиз, мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили судга кўргазма бериб, қарздор [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларидан жами [REDACTED] сўм солиқ қарздорлиги мавжудлигини, уни жавобгар томонидан тўлашнинг имконияти йўқлигини, мавжуд қарздорликни ундириш бўйича барча чоралар кўрилган бўлсада, қарзни ундириш имкони бўлмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни, қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топишни сўради.

Суд иш ҳужжатлари ўрганиб, даъвогар вакилининг фикрлари ҳамда музокара сўзларини инобатга олиб, кўйидагиларга кўра, қарздор [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилига кўра тўловга қобилиятсиз деб топишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 210-моддасига мувофиқ юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, қонунчиликда белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 241-моддасига ўз фаолиятини тугатган қарздор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини)



аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1-моддаси) фаолияти чекланган жамияти тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган ва унга [REDACTED] СТИР берилган. Қарздор раҳбари [REDACTED] да [REDACTED] юришиб келган.

Қарздорнинг солиқлар ва бошқа [REDACTED] тўловлар бўйича солиқ қарзини унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш [REDACTED] аризачининг қарор(лар)и мавжуд бўлиб, ушбу қарор(лар)нинг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланганлиги сабабли Мажбурий ижро бюросининг [REDACTED] ижрочилари томонидан қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги ва унинг мол-мулки ёки даромадларини кидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйилмаган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлганлиги сабабли ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан ундирувчи Каттақўрғон шаҳар Давлат солиқ инспекциясига қайтарилган.

Аризачи тақдим этган ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг 2023 йил 01 февраль ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловлардан [REDACTED] сўм кредиторлик қарздорлиги мавжуд.

Аризачи томонидан қарздорнинг фаолияти таҳлил қилинганда, унинг иқтисодий ночорлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлиги, мол-мулки йўқлиги ва кредиторлик қарзларини ундириш имкони мавжуд эмаслиги аниқланган.

Юқорида қайд этилганларга кўра суд аризачининг талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, яъни [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилга кўра тўловга қобилиятсиз деб топишни ва унга нисбатан тугатиш доир иш юритишни бошлашни, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг тавсиясига кўра қарздорни тугатиш бошқарувчиси этиб, суд бошқарувчиси [REDACTED] тайинлашни лозим топади.

ИПКнинг 116, 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Аризачининг аризаси асосли деб топилганлиги сабабли суд харажатлари тўлиқ ҳажмда қарздор зиммасига юкланади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 140-144, 242-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 36, 116, 118, 176-179, 186-моддаларига асосланиб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачи [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилга кўра тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси [REDACTED] қаноатлантирилсин.



Қарздор ██████████ масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилга кўра тўловга қобилиятсиз деб топилсин ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

██████████ масъулияти чекланган жамиятини тугатиш бошқарувчилиги Районда шунингдек.

Тугатиш бошқарувчиси зиммасига:

- қарздор "██████████" масъулияти чекланган жамиятини тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибларга риоя қилиш ҳақида маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш;

- мазкур ҳал қилув қарори нусхасини тегишли рўйхатга олувчи орган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва Мажбурий ижро бюросининг Каттақўрғон шаҳар бўлимига тақдим этиш;

- тугатишга доир иш юритишни қонунда белгиланган тартибда олиб бориш ва ҳар ойда камида бир мартаба судга унинг натижалари ҳақида оралиқ ҳисобот, шунингдек 2023 йил 12 июлга қадар якуний ҳисобот тақдим қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарорига асосан тасдиқланган "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари"нинг 4-бандига биноан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини мазкур Қарорнинг 5-бандига асосан таҳлил қилиб, таҳлил натижалари бўйича қўшимча равишда банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ёхуд ушбу аломатларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани тузиб, хулосани имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга ва прокуратура органлари (*агар банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд бўлса прокуратура органларига ҳам*)га тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонуни 23 ва 144-моддаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш юклатилсин.

Қарздор ██████████ масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан:

- Республика бюджетига ██████████ сўм миқдорда давлат божи;

- аризачи ██████████

сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

**М.Тоғаев**

